

ЗАМИРАХОН ИСАҚОВА

**ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТДАГИ
АХЛОҚИЙЛИК МЕЗОНЛАРИ**

Ўқув-услубий қўлланма

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН
ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ

ЗАМИРАХОН ИСАҚОВА

**ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТДАГИ
АХЛОҚИЙЛИК МЕЗОНЛАРИ**

Ўқув-услубий қўлланма

Наманган

2022

Ўзбекистонда илм-фан, таълим, инновация, рақамли иқтисодиёт соҳаси жадал ривожланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ахлоқ масаласига жиддий эътибор қаратишни талаб этади. Ахлоқий мезонлар илмий тадқиқотда ҳам муҳим бўлиб, бўлажак олимнинг илмий фаолиятида риоя қилинадиган, илм-фан тараққиётини юқори даражаларга олиб чиқишини таъминлайдиган ахлоқий тамойил ва тушунчалар мужассам. Инсон ким бўлиши, қайси соҳа билан шуғулланишидан қатъий назар ҳар доим ахлоқий танловга дуч келади. Унинг ўз иши, касбига садоқати, виждони поклиги бурч ва нафс ўртасидаги номутаносибликда яққол намоён бўлади.

“Илмий тадқиқот методологияси” фанидан семинар машғулоти учун тайёрланган “Илмий тадқиқотдаги ахлоқийлик мезонлари” мавзусидаги ўқув-услубий қўлланмада илмий изланувчилар фаолиятида илмий тадқиқот ахлоқининг ўрни ва аҳамияти, “ҳалоллик” принципи, ақлий меҳнат маданияти, олимнинг олийжаноб инсоний фазилатлари, бу борада амалга оширилиши шарт бўлган вазифалар хусусида амалий таклиф ва мулоҳазалар келтирилган.

Ўқув-услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси, олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан “Илмий тадқиқот методологияси” курси бўйича I босқич барча мутахассисликлар магистратураси учун тасдиқланган намунавий ўқув дастури асосида тайёрланган бўлиб, талабалар, магистрлар, ёш педагоглар, илмий тадқиқот ишида ахлоқийлик мезонлари билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир
Бахтиёр Тўраев
фалсафа фанлар доктори, профессор

Тақризчилар
Қодирқул Рўзматзода
фалсафа фанлари доктори, профессор

Абдурашид Мирзааҳмедов
фалсафа фанлари доктори, профессор

Жаъфар Холмўминов
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор

Ўқув-услубий қўлланма Наманган давлат университети Ижтимоий фанлар факультети Кенгашининг 2022 йил 27 ноябрдаги 11-сонли қарори билан тасдиқланиб, нашрга тавсия этилган.

Фан этикаси¹

Фан этикаси илм-фан билан шуғулланишда олим фаолиятини жамият томонидан тан олинган ахлоқий кадриятларга қай даражада мос эканлигини кўрсатувчи мезонлар ҳамда унинг фаолиятидаги мазмуни ва аҳамияти жиҳатдан ахлоқий масалалар, ахлоққа алоқадор мавзуларни акс эттирувчи тасаввурлар системаси².

Фаннинг ўз олдига қўйган асосий мақсади илмий тадқиқотлар жараёнида, илмий билишда амал қилувчи ахлоқий меъёрларни тушунтириш ва ўрганиш ҳамда фанни илгари силжитиш жараёнида жамиятда рўй берадиган одоб-ахлоққа оид масалаларни таҳлил этишдир.

Фан этикаси ахлоқшунослик фанининг касб ахлоқи йўналишига оид фан бўлиб, бу фан фаннинг гуманистик мақсадга хизмат қилишини таъминлайди³.

Касб этикаси эса муайян касб эгаларининг ахлоқ кодекси бўлиб, унда касбий фаолият билан боғлиқ муносабатларнинг ахлоқий хусусияти мужассамдир.

Фан этикасининг мақсади:

¹ Тўраев Б. Фан этикаси. Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази. – Самарқанд: 2020 йил 6 август. <https://www.bukhari.uz/?p=11373>

² Ганжин В. Нравственность и наука. – Москва: 1978.

³ Фролов И., Юдин Б. Этика науки: проблемы и дискуссии. – Москва: 1986.

а) фаннинг манфаатпарастлик мақсадларига хизмат қилишининг олдини олиш;

б) илмий тадқиқот ва экспериментларнинг шахс, жамият ва экологик муҳитга деструктив таъсир кўрсатишига йўл қўймаслик;

в) табиат, жамият ва инсониятнинг келажагини таъминлашдан иборатдир.

Физика, химия, замонавий технологиялар (нанотехнология, рақамли инфор­мацион технология, лазерли супертехнология ва бошқалар), медицина, генетика физиология ва микробиология, саноат ва қишлоқ хўжалиги фанлари, психология ҳамда бошқа аниқ ҳамда гуманитар фанларни ривожлантиришда фан этикасининг роли каттадир.

Фан этикаси билан шуғулланувчи мутахассислар олим ва унинг фаолияти ўртасидаги зиддиятни енгишда, олим фаолиятини гуманистик мақсадларга йўналтиришда, уни манфаатпарастларнинг меркантил⁴ мақсадлар йўлида фойдаланишдан ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнайди.

Рус олими А.Сахаровнинг ёзишича, ҳозирги замон фанлари ва техник-технологик тараққиётнинг ҳали

⁴ Этико-правовые аспекты проекта геном человека: Международные документы и аналитические материалы. – Москва: 1998.

фойдаланилмаган қудратли имкониятлари бор. Бу имкониятлардан оқилона фойдаланиш билан бир қаторда Ер юзида ҳали муҳтож, ҳаёт тарзи ниҳоятда оғир, очлик, касаллик ва қашшоқликка маҳкум одамлар ҳам борлиги, улар ҳам ҳаётнинг ноз-неъматларидан баҳра олишларига ҳақли эканликларини чуқур англаган ҳолда фаннинг бу имкониятларини уларнинг ҳам яхши яшашларига йўналтирилиши кераклигини унутмаслик лозим⁵.

Фан этикасининг асосий вазифаларидан бири фанни инсон ва инсоният учун, башарият истиқболи, Ер юзида тинчлик ва барқарорликнинг муҳофаза қилиниши, табиат ва жамият ўртасида мувозанат сақланиши, гармоник муносабатнинг стабиллашуви учун хизмат қилдиришдан иборат.

Фан этикасининг яна бир муҳим вазифаси фанни тадқиқ этувчи олимнинг ахлоқий қиёфасини тарбиялашда, унда инсон ва инсоният тақдири учун жавобгар эканлигини англатувчи масъулият туйғусини тарбиялашдан иборат.

Масъулиятли олим ўз тадқиқотларининг инсоният тинчлиги, саломатлиги, атроф-муҳитнинг экологик мувозанатига қарши қаратмайди. Мўмай даромад илинжида

⁵ Сахаров А. Ответственность ученых / Собрание сочинений. VIII том. – Москва: Наука, 2014.

инсониятга қарши химиявий, биологик қурооларни ишлаб чиқарувчи олимларнинг фаолиятини ҳеч қачон оқлаб бўлмайди. Бундай олимлар фан этикасини йиғиштириб қўйиб, беихтиёр равишда дунё устидан ҳукмронлик қилишни истовчи кучларнинг қўғирчоғига айланиб қолишган. Уларда на эътиқод, на инсоф, на диёнат, на виждон бўлмайди.

Хуллас, фан ҳамма ҳам шуғулланиши шарт бўлмаган хусусий соҳа бўлиб, илмий тадқиқот билан шуғулланиш самарали меҳнат ва чуқур илмий методологияни талаб этади.

Бахтиёр Омонович Тўраев
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази
директори бош маслаҳатчиси

Муқаддима

Оламни ўзгартириш учун аввало ўзингни ўзгартир⁶

Сукрот

Инсоннинг буюклиги унинг маънавий камолот даражаси билан белгиланади. Юксак маънавиятга эга бўлган инсон ижтимоий муаммоларга ақли, фаросати ва заковати билан ёндашиб, ҳаққоний ечим беради.

Ахлоқ маънавиятнинг амалдаги инъикосидир. Инсоннинг билими, дунёқараши, идроки, иймон-эътиқоди хулқ-атворида акс этган бўлса, ахлоқ инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик каби тушунчаларнинг инсоннинг амалий фаолиятида юзага чиқарувчи ҳодиса сифатида намоён бўлади. Демак, ахлоқ ижтимоий муносабатлар заминиди алоҳида шахс сифатида мавжуд бўлган инсонларнинг ўз-ўзини идора қилиш шакллари ва меъёрлари, ўзаро мулоқот ва муносабатларда уларга хос бўлган маънавий камолот даражасини кўрсатувчи параметрдир⁷.

⁶ Ақл энциклопедияси / Тўпловчи ва таржимонлар Ҳ.Абдуллаев, И.Сулаймонов. – Тошкент: Давр пресс нашриёт матбаа уйи, 2013. – Б. 33.

⁷ Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Тошкент: Университет, 1998. – Б. 98.

Тасаввур қилинг: ахлоқ бўлмаган жойда нималар бўлиши мумкин? Ахлоқ йўқ жойда инсон нафақат ижтимоий шахс сифатида, балки одамийлик туйғуси ҳам шакланмайди. Ахлоқ туйғуси инсон ҳаётининг мазмуни, яшашдан мақсади, бурч ва масъулият туйғусини ҳис этади, ахлоқий тушунча ва меъёрларга у ёки бу шаклда муносабат билдиради, яхши билан ёмонни ажратади, тўғри билан хатони фарқлайди, эзгулик билан ёвузликни солиштиради, муҳаббат билан нафратни ҳис этади, шу орқали инсонийликнинг олий намунасини кўрсатади.

Диний манбаларда эътироф этилишича, инсоннинг яхши-ёмон қилмишлари беиз кетмайди, улар коинотда, маконда, инсонлар муҳитида сақланади, кези келганда, қайта жонланади ва ўз сифатига мувофиқ, эзгу ишлар эзгу амалларга, ёмон қилмишлар ёмон амалларга етаклайди. Бундан кўринадикки, нафақат инсон, балки у яшаётган муҳит, давр, мамлакат, келгуси авлод – келажак олдида бирдек масъул.

Ахлоқ жамиятда эътироф этилган хулқ нормаси сифатида шахс маънавий ҳаётининг ташқи жиҳатини ифодалаб, бошқа инсонлар билан муносабатда намоён бўлади. Ҳар бир халқнинг ёки миллатнинг ўзига хос ахлоқи

билан бир қаторда, умумбашарий одоб меъёрлари ҳам бор. Марказий Осиё халқлари ахлоқшунослик соҳасида бой анъанага эга.

Ахлоқий меъёрларга доир фикрлар қадимдан “Авесто” китоби, қадимги турк битиклари ва бошқа кўплаб ёзма манбаларда ўз ифодасини топган.

Қомусий олим Абу Наср Форобий инсонни дунё тараққиётининг энг мукаммал ва етук якуни”¹ деб таърифлаб, фазилатли инсон ахлоқидаги сифатларни қуйидагича таърифлаган:

1. Бундай одамнинг барча аъзолари шу даражада мукаммал тараққий этган бўлиши зарурки, у бу аъзолари билан бажармоқчи бўлган барча ишларни осонлик билан амалга ошира олсин.

2. Зехни шу даражада тез ва ўткир бўлсинки, бирор нарсанинг аломатини сезиши билан бу аломат нимани билдиришлигини тездан билиб олсин.

3. Сўзлари аниқ бўлсин, фикрини, айтмоқчи бўлган мулоҳазаларини равон ва равшан баён эта олсин.

¹ Хайруллаев М. Форобий руҳий процесслар ва таълим-тарбия тўғрисида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. – Б. 56.

4. Билиш ва ўқишга муҳаббати бўлсин, ўрганмоқчи бўлган билимни чарчашни сезмасдан осонлик билан ўзлаштира олсин.

5. Овқатланишда, ичимлик истеъмол этишда очкўз бўлмасин, табиати қимор ўйинларини ўйнашдан узоқ бўлсин ва улар келтирадиган хурсандчиликдан жирканадиган бўлсин.

6. Ҳақиқатни ва ҳақиқат тарафдорларини севадиган бўлсин, ёлғон ва ёлғончиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин ва ҳ.к.

XX аср жаҳид маърифатпарварларидан бири Абдулла Авлоний ахлоқни шундай таърифлайди: “Инсонларни яхшиликка чақирувчи ёмонликдан қайтарувчи бир илмдур, яхши хулқларнинг яхшилиги, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладурғон китобни ахлоқ дейилур”.

Абдулла Авлоний ахлоқни диёнат, исломият, ғайрат, қаноат, шижоат, билим, сабр, интизом, виждон, Ватанни севиш, иффат, ҳаё, идрок, хайрихоҳлик, садоқат, муҳаббат каби инсоний хислатлар мужассами деб билган. Демак, ахлоқ инсоннинг хулқ-атвори, эътиқод-иймони, юриш-туриши,

кундалик турмуши, фикр-мулоҳазаси, мушоҳада ва мулоқотида намоён бўлади.

Ахлоқли, тарбия кўрган инсон, аввало, ўзини, ўз шахсий принципларини қаттиқ ҳурмат қилади. Унинг ички интизом кучли бўлади, мусоҳиб кўнгилга қараб гапиради, дилозорлик қилмайди, хушмуомаласи билан қалбларни яшнатади, мулоқот одобига риоя қилади.

Шахсда ахлоқий сифатларни таркиб топтириш, шахс ахлоқий маданиятини оширишнинг йўллари бисёр. Масалан, ахлоқий маданиятни ошириш учун, даставвал, инсон ўзидаги барча одат ва қилиқларни тафтиш қилиб чиқиши зарур. Ахлоқини тузатмоқчи бўлган инсон, биринчи навбатда, одоб-ахлоқига четдан туриб қараб ёки бошқалар танбеҳидан фойдаланиб, улар ичидан номаъқулларини ажратиб олиши керак. Қусур ва иллатдан қутулиш баробарида, инсон ўзида яхши хислатлар, яъни эзгу инсоний фазилатларни шакллантириши лозим.

Инсон қалби бўш турмайди, бўш қолган руҳият, онг, тафаккурни маънавият билан тўлдириш керак. Акс ҳолда унинг ўрнини жаҳолат ва залолат эгаллаши мумкин. Адабиёт сўз орқали руҳга, яъни инсон онгига таъсир этиб, инсон ҳис-туйғуларини кенг ва чуқур акс эттиради.

Хуллас, ҳар бир шахс ўзи яшаётган жамиятда ўз ўрнини топиши ўзининг намунали ахлоқи билан бошқаларда ижобий таассурот уйғота олиши керак. Яхши ахлоқ-одоб эгаси юрт келажакнинг пойдевори бўлади.

Илмий тадқиқот ахлоқи

Илмий тадқиқот ахлоқи илмий тадқиқот билан боғлиқ соҳа ходимларининг касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидалари йиғиндисидир.

Илмий тадқиқотлар ахлоқи тушунчаси илк бор XX асрнинг ўрталарида Нюрнберг шаҳар ҳарбий трибунали томонидан тадқиқотчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида “Нюрнберг кодекси”ни ишлаб чиқиш орқали муомалага киритилган⁸. Кодекс тиббиёт соҳасидаги тадқиқотларни бошқариш учун ишлаб чиқилган.

“Нюрнберг кодекси” 1964 йилда қабул қилинган тиббий тадқиқотлар учун ахлоқ қоидаларини ўргатувчи “Хелсинки декларацияси”нинг манбаси бўлган.

⁸ Харламов В. Э., Харламова Т. М. Этика научного исследования: зарубежный опыт // Фундаментальные исследования. 2014. № 5. – С. 402-405.

Илмий тадқиқот ахлоқи фақат тиббиёт фанларида олиб бориладиган тадқиқотларга татбиқ этилган бўлса, бугунги кунда илм-фаннинг барча соҳаларига татбиқ этилган. Чунки соҳага янгилик киритиш, билимларни ривожлантириш, технологияни такомиллаштириш, маҳсулот ёки хизмат сифатини ошириш, янги хизмат турлари, маҳсулотлар яратиш мақсадида олиб бориладиган илмий тадқиқот ишлари кўп ҳолларда ахлоқ масалаларига бориб тақалади. Зеро, тадқиқотчи олдида ўзига ёки илмий жамоага тегишли тўпланган илмий тадқиқот натижалари ва илмий янгилик ҳақидаги маълумотларни токи илмий минбарда ҳимоя қилинмагунча очиқламаслиги, ишончни суъистеъмол қилмаслиги каби маънавий жавобгарлик бўлиши керак.

Кодексда илмий ходимларнинг ҳуқуқлари, уларнинг шахсий ҳаёти ва дахлсизлигини ҳимоя қилиш мажбурияти бор. Сўровнома ва интервьюда иштирок этган иштирокчилар тўғрисидаги маълумотлар дахлсизлиги ва уларнинг махфийлиги сақланиши шарт.

Илмий тадқиқот ахлоқи фундаментал ахлоқий тушунча ва тамойилларнинг илмий тадқиқот жараёнида қўлланилишига замин яратади. Илмий тадқиқот ишида маълумот тўплаш, сўровнома ўтказиш, тўпланган

маълумотларни таҳлил қилиш, ҳисобот бериш ва нашрга тайёрлаш жараёнида инсон ва унинг шахсий ҳаёти ёки ҳайвонлар устида тажриба ўтказишга мўлжалланган бўлса, кодексга муурожаат қилинади.

Илмий тадқиқот ўтказиш учун ахлоқ меъёрларининг муҳимлиги ҳисобга олинса, кўплаб халқаро ташкилотлар, уюшмалар, давлат идоралари, университетлар, илмий текшириш институтларида илмий тадқиқот ахлоқи билан боғлиқ махсус қоида ва йўриқномалар ишлаб чиқилган.

Ривожланган мамлакатларда молиялаштирилган илмий тадқиқот ва лойиҳалар учун халқаро талаблар асосидаги илмий тадқиқот ахлоқи низоми мавжуд. Унда илмий фаолият олиб бораётган тадқиқотчилар учун ахлоқий мезонлар белгиланган.

Илмий тадқиқот ахлоқи олимнинг ахлоқий масъулияти билан параллел бўлиб, фан ютуқларининг эзгулик учун хизмат қилиши олимнинг ахлоқий танловига боғлиқ. Ҳақиқий олим ақлини мантиқ талабларига бўйсундириши, илмий ҳодисаларни объектив асослаши, ҳақиқатга интилиши, ҳар қандай илмий тадқиқотни ҳаққоний баҳолаши, илмий ютуқларни қадрлаш ҳиссига эга бўлиши шарт.

Олим шахсида қотиб қолган, догма назарияларга танқидий ёндашиш, авторитетларга тиз чўкмаслик, уларга хушомад қилмаслик, плагиатга тоқатсизлик каби характер шаклланиши зарур. Зеро, илмий тадқиқот олимдан поклик, ҳалоллик, принципиаллик, букилмас ирода, жасорат, пешқадамлик, заковат, фидойилик, серқирралик, файласуфлик, ҳассослик, камтарлик, беназирлик, вақтининг ҳар бир дақиқасида илм олиш ва зиё тарқатиш, вақтдан ўзиш, умрини мангуликка нақш этишни талаб этади.

Илмий тадқиқот ахлоқининг асосий тамойиллари

Ахлоқий тамойиллар ахлоқий англаш шакли бўлиб, унда ахлоқий талаблар, инсоннинг ахлоқий моҳияти, унинг ҳаёти мазмуни, жамият билан ўзаро муносабатидаги асосий жиҳатлар белгиланган. Инсон илмининг билимдони Конфуций талқинидаги ахлоқий мезонлар ўзаро бир-бирига боғланган ахлоқий меъёрлар мисолида тизимли очиб берилган: инсонпарварликни севиб, илм олишни севмаслик бефаросатликка олиб келади. Донишмандликни севиб, илм олишни севмаган инсон умрини майда ишларга сарфлайди. Ҳақиқатгўйликни севиб, илм олишни севмаслик ўзига зарар

етказишга олиб келади. Тўғрилиқни севиб, илм олишни севмаслик кўрсликка олиб келади. Мардликни севиб, илм олишни севмаслик исёнкорликка йўлласса, қатъийликни севиб, илм олишни севмаслик бошбошдоқликка олиб келади⁹.

Шарқ мутафаккири Абу Наср Форобий тасаввуридаги билимдон, маърифатли, етуқ, баркамол инсонда барча ахлоқий тамойиллар мужассам: “ҳар кимки илм-ҳикматни ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, соғ-саломатлиги яхши бўлсин. Яхши ахлоқ ва одобли бўлсин, сўзининг урдасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақланадиган бўлсин. Хиёнат, макр ва хийладан узоқ бўлсин, диёнатли бўлсин, барча қонун-қоидаларни билсин. Билимдон ва нотик бўлсин, илмли ва доно кишиларни ҳурмат қилсин. Илм ва аҳли илмдан мол-дунёсини аямасин, барча реал, моддий нарсалар тўғрисидаги билимга эга бўлсин”¹.

Илмий тадқиқот ахлоқининг асосий тамойиллари, баҳоли қудрат, системалаштирилиб, муайян тартибга келтирилди. Уларга амал қилиш ҳар бир изланувчи,

⁹ Конфуций. Панд-ўғитлар. Рус тилидан А.Аҳмад таржимаси // Соғлом авлод учун. – Тошкент: 1997. № 5. – Б. 17.

¹ Абу Наср Форобий. Фалсафани ўрганишдан олдин нимани билиш кераклиги тўғрисида. – Тошкент: 1963. – Б. 199.

тадқиқотчи, олим, бўлажак илм соҳибби учун бирламчи вазифадир:

Ҳалоллик-хаққонийлик. Изланувчининг маълумотлар, илмий натижалар, усуллар, процедуралар ва илмий нашрнинг ҳолати тўғрисида хаққоний хабар бериши, маълумотларни сохталаштириши ёки нотўғри тақдим этишининг олдини олади, илмий тадқиқотга жалб этилган томонларнинг келишилган шартнома шарти тўлиқ бажарилишини таъминлайди.

Объективлик. Изланувчининг экспериментал дизайн, маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва шарҳлаш, кенгаш қарорлари, илмий грант ҳужжатлари, эксперт гувоҳлиги ва тадқиқотнинг бошқа масалаларида ноҳолислигининг олдини олади.

Эҳтиёткорлик. Изланувчининг илмий тадқиқот даврида хатоларга йўл қўймаслигининг олдини олади, тадқиқот ишини синчковлик ва танқидий кўриб чиқилишига имкон беради, илмий тадқиқот фаолиятининг низом асосида бажарилишини таъминлайди.

Очиқлик (шаффофлик). Изланувчининг маълумотлар, натижалар, ғоялар, воситалар, манбалар ва тадқиқот усуллари бoшқа тадқиқотчилар билан баҳам кўришига

имкон яратади. Илмий иш ва унинг натижалари борасида билдирилган танқидий фикрлар ва янги ғояларни кўриб чиқишда шаффофликни таъминлайди.

Интеллектуал мулкка ҳурмат. Изланувчининг патентлар, муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкнинг бошқа шакллари хурмат қилишини таъминлайди. Чоп этилмаган маълумотлар, усуллар ёки натижалардан рухсатсиз фойдаланмасликни талаб этади.

Махфийлик. Нашр қилиш учун тақдим этилган ҳужжат ёки грантлар, шахсий маълумотлар, савдо ёки ҳарбий сирлар ва беморларнинг касаллик тарихи каби махфий маълумотларни ҳимоя қилиш кафолатланади.

Чоп этиш масъулияти. Изланувчининг тадқиқотлари илмий натижалар даража ошириш, унвон олиш учун эмас, балки илм-фан ва технологияни ривожлантириш, кенг жамоатчиликни хабардор этиш учун нашр этилади. Такрорланадиган нашрлар ва кўчирмачилик (плагиат)дан холи бўлиши талаб этилади.

Илмий раҳбарлик масъулияти. Илмий тадқиқот ишларига талабалар жалб қилинса, уларга мураббийлик қилиш ва маслаҳат бериш масъулияти юзага чиқади. Битирув

малакавий ишларида ахлоқий меъёрларга амал қилиш масъулияти илмий раҳбарга юкланади.

Ўзаро ҳурмат. Илмий тадқиқот фаолиятида ҳамкасблар ва лойиҳа иштирокчиларига ҳурматда бўлиш, адолатли қарорлар чиқариш талаб этилади.

Ижтимоий жавобгарлик. Тадқиқотлар, таълим ва тарғибот ишлари орқали ижтимоий ривожланишга эришиш, ижтимоий зарарни камайтиришга ундайди.

Тенглик. Ҳамкасблар ва талабаларга жинси, ирқи, этник келиб чиқиши ёки илмий ваколати ва яхлитлиги билан боғлиқ бўлмаган бошқа омиллар асосида камситилишдан сақланишни талаб этади.

Рақобатбардошлик. Шахсий билим, касбий маҳорат ва тажрибани илмий тадқиқот олиб бориш орқали доимий ривожлантириш ҳамда илм-фан соҳасидаги янгиликлардан хабардор бўлишни талаб этади.

Қонунийлик. Давлат қонунлари, ҳукумат сиёсати, соҳага доир низомларни билиш ва уларга риоя қилишни кафолатлайди.

Ҳайвонлар ҳимояси. Илмий тадқиқот даврида ҳайвонларга яхши муносабатда бўлиш, ғамхўрлик кўрсатиш,

кераксиз ёки ноқонуний тажрибалар ўтказмасликни талаб этади.

Инсон ҳуқуқлари. Илмий тадқиқот ўтказишда жалб этилган инсонлар хавфсизлиги, кадр-қиммати, шахсий маълумотларнинг дахлсизлиги, ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларни ҳурмат қилишга ундайди.

Олимнинг касбий ахлоқи

Касб сўзи “касб этмоқ”, “ўзига олмоқ”, “ўзига юқтирмоқ” каби маъноларни англатади. Ҳар бир касбнинг алоҳида одоби бор¹⁰.

Касб ахлоқи жамият томонидан қабул қилинган ахлоқ қоидаларини ҳар бир ходимга нисбатан амалда татбиқ қилувчи аниқ касбий бурч, шаън, ор-номус, кадр-қиммат каби хатти-ҳаракатлар мажмуи, ахлоқий мезонларнинг касб-кордаги ўзига хос кўриниши бўлиб, ижтимоий ва индивидуал онг даражаси билан белгиланса ҳам, инсоний эҳтиёжлар моҳияти билан бевосита боғлиқ.

¹⁰ Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати / Форс тилидан Н.Комилов таржимаси. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. – Б. 69.

Олимнинг касбий ахлоқи, аввало, унинг муомаласида акс этади. Муомала ижтимоий фаолиятнинг зарурий ва умумий шарти, ривожланишининг муҳим омили, онглилик, фаросат, тафаккур даражасини кўрсатувчи параметрдир. Муомала мураккаб жараён, яъни инсон ички оламини сўз орқали ифодалайди.

Олимнинг муомаласи унинг феъл-атворининг ички мазмун-моҳияти, фаҳм-фаросат, юриш-туришнинг ташқи ифодаси, улар ўртасидаги уйғунлик ва мутаносиблик даражасини акс эттиради. Шунинг учун ҳам юксак маданиятли олим ҳар бир сўзини “етти ўлчаб, бир кесади”. Ўзаро суҳбатда одоб ва эҳтиёт юзасидан муомалага киришади, энг қўпол сўзга ҳам мулойимлик билан жавоб қайтаради. Очiq юзли бўлиб, аччиқланиб турган пайтда ҳам босиқлик билан гапирди. Ғазабланмай, одамларнинг камчилигини кечиради. Ҳар бир ишни мулоҳаза қилиб, хулоса чиқаришга шошилмайди. Бошқаларнинг суҳбатига аралашмай, ўз фикрини билдиришдан тийилади. Савол сўралса, жавоб беради. Ҳар бир ишда ҳурфикрли, тўғри сўзли бўлади. Тили билан дили бирдек бўлади. Шогирдларига нисбатан бағрикенг бўлади. Ҳар кимнинг ўзига муносиб, ақл билан муомала қилади. Бошқаларга ўз оғирлигини солмайди,

ҳеч кимдан ёрдам сўрамайди. Имкони бўлса, ўзи бошқаларга ҳам моддий, ҳам маънавий беғараз ёрдам беради. Ижод завқи билан яшаб, янгиликлар излашдан толмайди, меҳнатдан завқланади, илмий натижалари жамият фаровонлиги учун хизмат қилганидан қувонади.

Олимнинг касбий ахлоқ мезонларига қатъий амал қилиши унинг ички ишончи, виждони, жамоанинг фикрида акс этади. Ахлоқдаги батартиблик олимнинг юриштиришидан тортиб, ҳаётининг барча жабҳалари, иш фаолияти, оиласи, жамиятни ҳам тартибга солади.

Олим барча кишилар учун ахлоқий “барометр” бўлиб, бошқалар олим ахлоқидаги фазилатларни ўзлаштиришга, у каби бўлишга, ундан ўрнак олишга, уни ўзлари учун намуна “идеал” деб билишга интиладилар. Олимнинг хатти-ҳаракатидаги нуқсон бошқалар томонидан ахлоқий баҳоланади.

Олим касб ахлоқининг умумий қоидалари, бизнингча, қуйидаги шаклда бўлиши мақсадга мувофиқ:

а) олимлик обрўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатдан тийилиш, хулқ-атвори ва ҳиссиётини назорат қилиш;

б) масъулият ҳисси, касбга садоқат ва ҳалолликни кундалик шиорга айлантириш;

в) ҳар доим хушмуомалалик, эътиборлилик ва ҳушёрлик билан ўзига, фанга ва илмий-тадқиқотга нисбатан рағбат ҳамда эҳтиром ҳиссини уйғотиш;

г) шогирдлар билан уларнинг ижтимоий келиб чиқиши, холати ва бошқа хусусиятидан қатъий назар, бир хил муносабатда бўлиш;

д) илмий ҳамкорлар, ҳамкасблар билан муносабатда камтар бўлиш, мураккаб вазифаларни бажаришда беминнат кўмаклашиш;

е) ахлоқ мезонларининг умумэътироф этилган қоидаларига амал қилиш, оилада соғлом муҳитни юзага келтириб, оила аъзоларига ғамхўрлик қилиш;

ё) фарзандларида юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш, уларни илм-фан, илмий тадқиқот ишларига йўналтириш;

ж) миллий урф-одат, қадрият ва анъаналарга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, дабдабабозлик, шуҳратпарастлик, гуруҳбозлик каби салбий иллатларга йўл қўймаслик;

з) ташқи кўриниши билан ўз обрўси ва олимлик шаънига путур етказмаслик, камтарона кийиниш,

атрофдагиларнинг эътиборини жалб қиладиган (очиқ, калта ва ҳоказо) кийим киймаслик, парфюмерия, қимматбаҳо буюмдан фойдаланиш меъёрига риоя қилиш;

и) телефон сўзлашувида муомала маданиятига риоя этиш.

Хуллас, олим ҳар қандай вазиятда ўз шаъни, қадр-қимматини сақлаши, ҳақ сўзни айта олиши, камтар, оддий бўлиши, одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилиши, камтар, хушмуомала бўлиши шарт.

Илмий фаолиятда виждон ва бурч ва қадр-қиммат муносабатлари

Виждон инсоннинг хатти-ҳаракати, қилмиши, юриштириши учун ўзлиги, жамият олдидаги масъулият туйғуси бўлиб, “кўзга кўринмас” улкан, лекин мутлақ айбсиз ҳодиса, олий ахлоқий қадрият сифатида акс этади. “Виждон азоби”, “виждон овози”, “виждон амри” каби тушунчалар муайян хатти-ҳаракат учун бериладиган ахлоқий “баҳо” дир.

Виждон азоби – “ички овоз”, ташқи “мен”га қалбдаги “ўзлик”нинг, эътиқоднинг эътирози, қаршилиги ва талабларидан келиб чиқади. Талаблар қондирилмаса, “ички

овоз” ўчмайди, инсон токи ўз хатосини англаб етмагунича азоб давом этади.

Виждон ҳар бир инсоннинг дунёқараши, тафаккур тарзи, ахлоқий принциплари, шахсий камолоти, ижтимоий ҳодисаларга муносабатига кўра индивидуал хусусиятга эга. Шунинг учун кимдир “фазилат” деб баҳолаган хатти-ҳаракат бошқа инсон тарафидан “иллат” деб қораланиши, табиий.

Виждон табиатига кўра, “ақлий” ва “ҳиссий” бўлиб, хулқ-атвор оқибати қониқиш, хотиржамлик, таскин топиш, қувонч, мамнуният ёки қониқмаслик, уялиш, айбдорлик, азобланиш, изтироб чекиш, қийналиш шаклида намоён бўлади. Бу туйғулар олим шахсида ҳам намоён бўлади. Олим нафақат ўзининг хулқи, шунингдек, касбдошлари, ижтимоий жараёнларга ҳам муносабат билдиради. Олим қанчалик виждонли бўлса, касбий бурчини шунчалик чуқур англайди.

Бурч инсоннинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ бўлиб, унинг табиатида масъулият, уят, ор-номус, шаън, қадр-қиммат ҳисси қанчалик тараққий этганидан далолат беради. Бурчнинг замирида индивидуал ва маънавий қарздорлик, ўз касбига муносабат мужассам. Бурч орқали инсоннинг маданий савияси, ахлоқи, виждони, тарбияси, Ватанга, ота-

онага, оиласига, умр йўлдошига, ўз касбига, дўстларига, қариндошларига муносабати намоён бўлади.

Олимнинг касбий бурчи ҳам субъектив, ҳам объектив мақомга эга бўлиб, унинг виждони, эркинлиги, эътиқоди, масъулиятини кўрсатади. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракати замирида бурч масъулияти бўлиб, бурчга садоқат ёки хиёнат шаклида содир бўлади.

Бурч энг шафқатсиз ва қаттиққўл тушунчадир. Олимлик бурчи вақт ва жамиятда муайянлашади. Олим ўз вақтининг ҳокими бўлиб, вақтдан унумли фойдаланади, ўз вақтига хиёнат қилмайди. Олим учун мафкуравий тазйиқлар, ижтимоий низолар ўз бурчини адо этишдан маҳрум қилмайди.

Ҳақиқий олим “оқ”ни “оқ”, “қора”ни “қора” деб баҳолайди. Акс ҳолда, олим умр бўйи виждон азобида яшаб, олий инсоний қадриятлардан мосуво бўлади. Олим ўз позициясида мустаҳкам бўлса, мансаб-бойликка алданмаса, бурчига содиқ қолса, виждони олдида “тоза” бўлади. Умрининг охирига қадар ўтган ҳаётдан афсус, надомат эмас, миннатдорлик, розилик, руҳий хотиржамлик ҳисси билан яшайди. Бу сўз билан тасвирлаб бўлмайдиган буюк бахт, бурчга садоқат намунаси дир.

Қадр-қиммат инсоннинг ўз шахси, ўз қадри, ўз ҳаёти учун масъулият ҳисси бўлиб, унда номус ва ғурур, орият каби туйғулар акс этади.

Олимнинг қадри унинг ўз қадр-қимматини ҳар қандай ҳолатда ҳам ерга урмаслиги билан ўлчанади. Кимгадир ялиниб-ёлвориб, керак бўлса, ялтоқланиб ўз инсонлик қадрини ерга урган олим мақсадига етиб, ишини “осон”гина битириши мумкин. Лекин бир марта қадди букилган, ерга урилган олимнинг “бурди” тўкилади. Уни нафақат бошқа одамлар, ўзини-ўзи ҳам “одам” деб ҳисобламайди.

Жамиятда олим қадр-қимматининг камситилиши ижтимоий муносабатлардаги номувофиқлик, маънавияти паст кимсаларнинг мансабдорлиги, қонунларнинг ишламаслиги, таниш-билишчилик, кўролмаслик, фитна, ўч олиш, аламзадалиқ каби ҳодисалар билан боғлиқдир.

Ғурури поймол бўлган олимнинг қадр-қиммат ҳисси “ўлиб”, жамият, тузум, илмий тадқиқот ишидан кўнгли совийди.

“Олим”лик шоҳсупасига қинғир йўл билан кўтарилган кимсада ғурур ҳам, шаън ҳам, қадр-қиммат ҳам бўлмайди. Унинг учун мансаб, бойлик, ўзи ёзмаган китобга ҳаммуаллифлик ҳар қандай шаън, қадр-қимматдан устундир.

Кибр ва манманликка берилган, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган кимсалар ўзини қанчалик “зўр” деб билмасин, энг охирги русумдаги телефон, автомобил, бир неча қаватли уйлар, ҳеч ким киймаган кийимлар киймасин, бошқа олимларга паст назар билан қарамасин, мақтанчоқлик ва ёлғон билан ўз обрўсини сунъий кўтаришга интилмасин – олим сифатида абадиятга дахлдор бўла олмайди.

Виждон, бурч, кадр-қиммат тушунчалари ўзаро таққосланса, виждон тушунчаси “субъектив”, бурч ва кадр-қиммат тушунчалари “ижтимоий аҳамиятга эга” деган хулосага келинади. Шундай бўлса ҳам, уч ахлоқий тушунчани боғлаб турган виждон етакчи характерга эга, яъни виждон туйғуси бўлмаган, иймонсиз, виждонсиз одамда бурч масъулияти ҳам, кадр-қиммат туйғуси ҳам бўлмайди.

Олимнинг касбига садоқати, виждонининг поклиги бурч ва нафс ўртасидаги номутаносибликда яққол намоён бўлади. Қалби пок, виждони тоза, ҳаромдан ҳазар қиладиган олим ҳеч қачон ахлоқ чегарасини бузмайди.

Бугунги кунда айрим олимларнинг ўз виждонига “тупуриши”, олимлик бурчини тўғри англамаслиги, кадр-қимматини суъистеъмол қилиши оқибатида нолайиқларнинг лойиқлик даъвосини қилишлари, умрида биронта китоб

ўқимаган “изланувчи”нинг “олим”ликка даъвогарлик қилиши, илм бозорида авж олган “плагиат” ёки моддий қийналган, ҳаётда ўз ўрнини топа олмаган олимнинг тирикчилик мақсадида диссертация “савдо”си билан машғул бўлиб, ўз илмини арзимаган пулга сотиши, илмга “отилиб” чиққанлардан кўра, “осилиб” чиққанлар сонининг кўпайишига олиб келмоқда.

Ахлоқ доирасидан ташқарида бўлган ҳар қандай илмий тадқиқот иши фаннинг қушандасидир. Ҳақиқий билим, истеъдод ва иқтидор эгаси илмга хиёнат қилмайди, илмини хор қилмайди, илмий даражани “амал пиллапояларидан юқори кўтарилиш”, “мол-дунё орттириш имконияти” деб қарамайди. Ҳар доим ва ҳар вақт ўз фикрига эга бўлади, ҳақ сўзни айтишдан кўрқмайди.

Илмий тадқиқотда устоз-шогирдлик анъаналарининг ахлоқийлик мезонлари

Ҳаётда ёзилмаган, аммо унга амал қилинмаса ёқимсиз оқибатларга олиб келадиган қонунлардан бири устоз ва шогирд анъаналаридир. Устоз ва шогирдлик одоби,

қадрияти, мулоқот шартлари асрлар оша яшаб, равнақ топган, тараққий этиб, камолга етган.

Устоз ва шогирд риштаси нозик бўлиб, битта қалтис ҳаракат билан узилади. Уланса ҳам ҳам тугун қолади. Қачонки шогирд устозига меҳр қўйса, ишонса, устозининг ҳар бир сўзи, хатти-ҳаракатини англаса, устознинг ўғитларига қатъий риоя қилса, кўзлаган мақсадига эришади. Арасту башорат қилганидек, олдинга кетганларни қувиб етадиган ва ортда қолганларни кутмайдиган шогирд ҳар нарсага улгуради¹¹.

Баркамол инсон бўлишнинг асосий белгиларидан бири устозлик даражасига эришишдир. Бу касбнинг обрўсини фақат устознинг ўзи – фидокорона меҳнати, ўз устида тинимсиз ишлаши, бошқаларга ўрناк бўлиши билан ошира олади¹².

Ҳеч бир инсон онадан билимдон бўлиб туғилмайди, ҳаёти давомида устоздан ўрганади, сабоқ олади, ўрганади, камолотга эришади: “Бугун ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи, олийгоҳ домласи таълим ва илм-фан соҳасидаги энг сўнгги

¹¹ Ҳикматлар шодаси / Тўпловчи ва таржимонлар А.Раимов, Н.Раимова; муҳаррир А.Зиядов. Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 540.

¹² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг таълим масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси // Халқ сўзи. – Тошкент: 2019 йил 24 август. – Б. 1-2.

ижобий янгиликларни ўқув жараёнларига татбиқ эта оладиган, чуқур билим ва дунёқараш эгаси, бир сўз билан айтганда, замон ва жамиятнинг энг илғор вакиллари бўлишлари керак. Бундай устозлар қўлида таълим олган фарзандлар биз орзу қилган Ўзбекистоннинг ёруғ келажагини бунёд этишга қодир авлод бўлиб камол топади”¹³.

Бугунги кунда устоз-шогирд анъаналари расмий ва профессионал тартибда амалга оширилмоқда. Бунинг моҳияти шундаки, шогирд устозининг ҳар бир ҳаракати, иш услуби, ҳатто нимани қаерга қўйиш, қайси томонига кўпроқ эътибор бериш ҳолатини ҳам синчиклаб кузатиш орқали тажриба орттиради. Халқимизда “Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар” деган нақл бор. Бунинг сабаби шуки, ҳар қандай касб ёки ҳунарнинг “сири” бўлади. Айрим устозлар касб сирини айтиш ўрнига амалда кўрсатади. Ҳушёр шогирд уни синчковлик билан илғаб олса, муваффақиятга йўл очилади.

Ҳунарларнинг ичида энг мураккаби илм ўрганиш бўлиб, бундан бошқа касб-ҳунарларни паст санаш эмас,

¹³ Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва сунъимиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. – Тошкент. 30 сентябрь 2020 йил. – Б. 1-2.

аксинча, илм олиш “игна билан қудуқ қазиш” эканлигини теран англатишдир.

Илмий ютуқлари ва кашфиётлари билан дунё тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшган мутафаккирлар ҳам бирданига юксак чўққиларни забт этишмаган. Аввал шогирд бўлиб, устоз-шогирдлик мактабининг талаб-қонунларига қатъий риоя қилишган, машаққат ва синовларни сабр билан енгишган, сафар қийинчиликларига мардона туриб, кўзлаган олий мақсадлари йўлида фидойилик қилишган. Устоз ҳузурида одоб сақлашган. Уларнинг изнисиз гапиришмаган, устознинг юзига тик боқишмаган. Мусофирликда устоз яшайдиган юрт томонга оёқ узатишмаган, шогирдлик ҳаққини тўла адо этишган. “Устоз отангдек улуғ” ҳикматига риоя қилиб, устозларига нисбатан ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб, адо этиб бўлмайдиган қарздорлик ҳиссини туйишган.

Аждодлари буюк миллатнинг авлодлари ҳам буюк бўлиши шарт. Жаҳон афкор оммасини ҳайратга солган буюк аждодларнинг вориси бўлиш бўлажак олимдан жуда катта фидокорлик талаб этади.

Азалдан миллий қадрият сифатида шаклланган устоз-шогирд анъанасига кўра, ҳар бир бўлажак олимни тарбиялашда кўп йиллик тажрибага эга бўлган устозларга ёш

мутахассисларни бириктириш муҳим жараён дир. Термизлик мутасаввиф, буюк сиймо, сермаҳсул аллома, ўз даврининг етук олими, тафсир, ҳадис, фикҳ, калом, ислом фалсафаси, тасаввуфга доир асл асарлари билан ҳозирга қадар олим ва тадқиқотчиларнинг илмий ижодий фаолиятига таъсир этаётган Ҳаким Термизий устоз-шогирдлик муносабатлари ҳақида ҳикматга тўла фикрларни ёзиб қолдирган.

Мутафаккирнинг “Маърифат ул-асрор” асарида устоз-шогирд анъаналарининг очилмаган янги қирралари кашф этилган. Асарнинг “Устознинг сифати ҳақида”ги фаслда “устоз шогирдларини фақат ўзи юрган, билган йўлга бошлайди ва шунга амр этади, шогирдининг тоқати миқдорида турли усуллар билан тарбиялайди”¹⁴ деб таърифланган.

Асарнинг “Шогирдлар одоби ҳақида”ги фаслида шогирд устозини ҳеч бир ҳолда айбламаслик, ёқса ҳам, ёқмаса ҳам, устознинг фикрига қараб иш тутиш, устоздан сир яширмаслик, устозининг сирини сақлаш, устозига муҳаббат, ҳурмат ва иззат билан муомала қилиш, устози билан обрў топиш, роҳатланиш, кўтарилиш учун юрмаслик, устозининг

¹⁴ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Муҳаммад Термизий. Маърифат ул-асрор (Сирлар маърифати) / Тарж. Абдулҳамид Муҳаммад Турсун. Масъул мух. Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2018. – Б. 42.

хузурида билимдонлик қилмаслик”¹⁵ каби ахлоқий талаблар қўйилган. Бундан англашиладики, устоз ва шогирд бири-бирига муносиб бўлиши, бир-бирини тушуниши, шогирд устозини авайлаши, унинг ҳурматини жойига қўйиши мақсадга мувофиқ.

Айни дамда устоз-шогирдлик одобидаги содир бўлаётган кўз илғамас хатолар кескин тус олаётгани сир эмас.

Илмнинг чегараси йўқ. Инсон ҳамиша илм олишга интилади. Устозлар илм йўлини ёритувчи ёғду кабидир. Шунинг учун шогирд ҳамиша тўғри йўл кўрсатувчи устозга муҳтождир. Қўлланмани қоғозга муҳрлаш жараёнида бир шогирднинг ҳаётида содир бўлган воқеани бошқа шогирдларга ибрат бўлиши учун тақдим этилди: қалби илмларни забт этиш иштиёқи билан тўлган шогирднинг хатти-ҳаракати барчанинг эътиборида бўлган. Талабчан шогирд тинмай изланар, илм ортидан қувар эди. Устоз шогирдининг завқидан ҳурсанд бўлса ҳам, давраларда шогирди ҳақида мақтовларни эшитса ҳам, сукут сақлашни афзал кўрган. Ҳаддан ортиқ мақтовлар ўз кучини кўрсатиб,

¹⁵ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Муҳаммад Термизий. Маърифат ул-асрор (Сирлар маърифати) / Тарж. Абдулҳамид Муҳаммад Турсун. Масъул мух. Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2018. – Б. 42.

шогирд шуҳратпарастлик касалига чалинган, илмга рағбати сусайиб, мақтовлар оламига кўмилган.

Устоз ҳушёрлик билан шогирднинг ҳолатини англаган. Шогирдини дарсдан сўнг ҳузурига чақириб, бошқа юртдан келган дўсти билан таништирган. Устознинг дўсти шогирдга атиги битта савол берган. Шогирднинг тили тутилиб, жавоб беришга ожиз қолган. Устоз шогирднинг вазиятини тушуниб, дўстининг саволига ўзи жавоб берган.

Ҳамманинг эътиборида бўлган, ҳамма мақтаган, ҳаммага намуна бўлган шогирд устозининг дўсти олдида мулзам бўлгани учун ўзининг ноҳақ эканини тушунди: “Аллоҳ менга шундай зукко, бағрикенг, хушфеъл устозни тақдир қилди. Ота-онам ўқишим учун барча шароитни муҳайё қилишди. Кутубхонада билимимни оширишим учун исталган китобни топсам бўлади. Грант асосида ўқийман, моддий қийинчилигим йўқ. Наҳотки, дўстларимнинг мақтови мени ўзгартирган бўлса! Мақтовдан худди пуфак каби шишиб, ўзимдан ғурурланиб кетибман. Биргина савол билан пуфак каби ёрилдим, бўшлиқ ичра эканман. Бугунги кун мен учун бир умрлик дарс бўлди”. Ўша кундан бошлаб шогирд ўзидан ўтган хатони англаб, яна аввалги ҳолига ўзгача кайфиятда –

худди устози каби мақтовларга сукут билан жавоб қайтарадиган тарзда қайтган.

Қуръонда “Ҳар бир илм эгаси устидан ўта билувчи бор”¹⁶ дейилганки, кимдир юзта китобни ўқиган бўлса, шубҳасиз, ундан икки ҳисса кўп китоб ўқиган киши бор. Икки юзта китоб ўқиган кишидан кўра беш ҳисса кўп ўқиган бошқа китобхон топилади. Мингта китоб ўқиган китобхондан ўн ҳисса кўп китоб ўқиган талаба бор. Хулоса шуки, илм талабида бўлган ёшлар олган илмлари билан мағрурланмай, ўз устида ишлашдан чарчамаслиги, олға интилиши, ҳар қандай савол ва танқидга тайёр туриши, нарсаларнинг ҳақиқатини билиш учун илм излашдан тўхтамаслиги мақбул ишдир.

Хуллас, бугунги кунда олий таълим тизимида “устоз-шогирд” анъанасининг йўлга қўйилганлиги келажакда етук ва малакали мутахассисларни тарбиялашда, самарали илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Устоз шогирдларига бор билим ва тажрибаларини аямай, тўғри йўл-йўриқ кўрсатса, бўлажак олимларнинг

¹⁶ Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Юсуф сураси, 76-оят / Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2004. – Б. 242.

касбий маҳоратлари ошиб, устоз-шогирд анъаналари бардавом бўлади. Бу эса, ўз навбатида, диссертация ҳимояларининг ахлоқий мезонлар қоидаларига мувофиқ ўтказилиши, “ўзбекчилик”, “ака-укачилик”, “ошна-оғайнигарчилик”, “тили қисиқлик”ка йўл қўйилмаслиги, келажакда илм-фан қалбаки, фирибгар, саводсиз, сохта “олим” лардан холи бўлишига олиб келади.

Жамиятни қолоқлик, жаҳолат, адолатсизлик, порахўрлик ва ҳаромхўрликдан халос қилиш, аввало, илмдан, илм аҳлининг ҳалоллигидан бошланади.

Олимнинг ахлоқийлик мезони

**(Устозим Нажмиддин Комиловга айта олмаган дил
изҳорларим)**

Талабалик йилларим (1987-1992 йй.)да Шарқ фалсафаси, хусусан, тиб илмининг султони, “Устои аввал” номи билан машҳур бўлган Абу Али ибн Синонинг илмий-фалсафий меросига қизиқишим ва ниҳоят, “Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарида сабабийлик тамойили” мавзусидаги диплом ишини муваффақиятли ҳимоя қилишимга сабаб бўлди.

Абу Али ибн Сино ва унинг илмий меросига бағишланган адабиётларни ўрганиш жараёнида “Ибн Сино ва Данте” номли китоб билан ҳам танишдим. Унинг муаллифи Нажмиддин Комилов эдилар. Асарда Шарқ ва Ғарбнинг адабий алоқалари даврлаштирилган ҳамда қадимги Хитой, Юнонистон ва Рим мутафаккирлари Конфуций, Суқрот, Афлотун, Арасту, Цицероннинг давлат ва жамият муносабатига оид таълимотлари ўрта асрлар ислом фалсафаси шаклланиши ва ривожланишига замин бўлгани, улкан маданият умумбашарий цивилизацияга қўшилиб, унинг узлуксиз ривожига олиб келгани, турли алоқа воситалари орқали Ғарбга ўтиб, янги Европа тафаккури тараққиётига таъсир кўрсатгани қайд этилган эди.

Китобни завқ билан ўқиб чиқдим. Дантенинг “Илоҳий комедия”сида шарқона фалсафа, шарқона оҳанг, шарқона мушоҳада кезиб юришининг сабабларидан бири, устоз Нажмиддин Комилов эътироф этганларидек, унинг ижоди Шарқ фалсафаси, ва албатта, Шарқ уйғониш даври фалсафаси таъсирида камол топганидир. Демак, Данте ижодида Абу Али ибн Сино фалсафасининг таъсири катта бўлган.

Тадқиқотда Абу Али ибн Сино билан Данте ўртасидаги беш асрлик масофа яна беш асрдан кейин ажойиб тарзда ифодалаб берилган эдики, беихтиёр, китоб муаллифи билан кўришиш иштиёқи кучайди.

Нажмиддин Комилов билан учрашган дақиқаларим кўз ўнгимдан кетмайди: сурати сийратига монанд, руҳияти, дунёқарашига уйғун камтар инсон. Суҳбатимиз Шарқ фалсафаси билан бошланиб, ғарб фалсафасига уланди ва ниҳоят, мумтоз адабиёт билан тугалланди. Устоз китобларини совға қилиб, “Сиз билан албатта кўришамиз” деб, мустақил ўқиш учун бир неча адабиётларни ҳам тавсия этдилар...

Орадан ўн йил ўтиб, устоз билан қайта кўришдик. Давлат ва бошқарув академиясида устоз-шогирдлик риштаси боғланди. Устоз ўтган йиллар мобайнида ёзган мақола ва рисоаларимни синчиклаб кўриб чиққанларидан сўнг, диссертация мавзуси тасдиқланди.

Устозим мен билан хайрлаша туриб: “олдимга қуруқ қўл билан келманг” дедилар. Анчагача ўйланиб юрдим. Ўшанда кафедрамизда фалсафа фанлари номзоди, доцент Акмалжон Хусайнов мудир эдилар. Шаштимнинг пастлигини кўриб, ҳузурларига чақирдилар. “Ҳаммаси яхши” деганимга

қарамай, “Тошкентдан завқу шавқ билан, бир олам қувонч билан қайтиб келар эдингиз, нима бўлди?” деб сўрадилар. Мен устоз билан бўлган суҳбатимизни айтдим. Хусаинов домла эса росса кулдилар ва “Э, сизни кап катта одам, бўлажак олима деб юрсам, ёш бола экансизку” деб, устозимнинг асл мақсадларини тушунтириб бердилар: “Нажмиддин Комилов сизни илмий ишга бутун вужудингиз билан берилиб, илмий-таҳлилий мақолалар ёзишингиз учун “қуруқ қўл билан келманг” деганлар. Сиз менинг айтганимни қилинг, қачон борасиз, яхши, шу бир-икки ой ичида камида уч-тўртта мақола ёзинг, кейин устозга олиб боринг. Мени айтди дейсиз, устозингиз сиздан мамнун бўлади”.

Илмга иштиёқим баландлиги боис кундузи дарсга борсам, тунлари ижодга бериламан. Ҳаттоки завқим жўшиб, рус шарқшуноси Е.Бертельснинг “Суфизм и суфийская литература” китобидан Фаридуддин Атторнинг “Булбулнома” асарини ўзбекчалаштирдим ҳам. Устоз таржимамни ўқиб, “завқу шавқ, иштиёқ ва илм уйғунлашган жозибаторликни кўрдим” деб юксак баҳо берган эдилар.

Таниқли журналист Абдунаби Қорабоев мақоламни таҳрир қилиш билан бирга таҳрир санъатини ўзлаштиришимга беминнат ёрдам берган эдилар. Устозимга

муносиб шогирд бўлиш учун устозим ўзлари тайинлаганларидек ҳар сафар олдиларига борсам “қуруқ келмай” камида 3-5, баъзан олтитагача илмий мақола олиб келдим.

Илк бора Хожа Аҳрор Валий ҳақидаги илмий мақоламни ўқиб кўриб, бир менга, бир мақолага кўз ташлаганлари ва мамнун бош ирғаб қўйганларидан бир неча кун ўзимда йўқ хурсанд бўлганман. Устозимнинг ҳеч бир устозда кўрмаганим хислатлари шу эдики, устозим ҳар сафар мени рағбатлантирмоқчи бўлсалар албатта мен қидирган китобни қўлимга тутқазар эдилар. Бу устозимнинг энг олийжаноб фазилатларидан биридир.

Устозим билан бирга кўплаб халқаро, республика миқёсидаги илмий анжуманларда қатнашдим. Бухоро, Самарқанд, Хива сафаридан олган таассуротларим ҳали ҳануз ёдимда. Устоздан сўрамоқчи бўлган саволимни беришга ҳам улгурмасимдан нимадир сабаб бўлиб, жавоб беришлари мамнун этар эди. Хуллас, устозга шундай савол бериш керак эдики, у саволнинг жавоби китобда бўлмасин. Энди тасаввур қилинг, савол топиш учун қанча изланиш лозимлигини.

Изланишларим самараси 2007 йилда номзодлик ишимни муваффақиятли ҳимоя қилишим билан ўз мевасини

берди. Диссертантга сўз берилиши эълон қилинганида устозимга қарадим. Устозим “ҳаммаси яхши бўлади” дегандек, кўзлари билан омад тиладилар. Ҳаётимдаги энг унутилмас воқеалардан бири 2008 йил 29 май куни устоз ОАК биносига мажлисга борганлари ва ўша жойнинг ўзидан менинг фан номзоди илмий унвонига тасдиқланганим ҳақидаги хабарни телефон орқали айтганлари. Қулоқларимга ишонмайман, “устоз, ташаккур, устоз” дейман, холос. Кейин ОАК Бюллетени чиқди. Мен фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олган эдим.

Устозим билан илмий тадқиқот ишини давом эттиришим ҳақида гаплашдик. Устозимга докторлик диссертацияси мавзуси ҳамда режаларимни олиб бордим. Устозим режага бешинчи бобни ҳам қўшишни таклиф этдилар. Компьютер вариантини фалсафа фанлари доктори Абдувоҳид Очилдиев (университетда дарс берганлар)га олиб боришим ва қандай фикр айтишини тайинладилар.

Устоз А.Очилдиев домла мени “э, файласуфлар маликаси, келинг” деб, яхши кайфиятда кутиб олдилар. Мавзу ва режани синчиклаб кўра бошладилар. Айрим жумлаларни ўзгартириб, нимадир қўшдилар. Сўнг ниманидир ўчириб, ўзларидаги ҳужжатлар билан мавзу

ёзилган қоғозни ҳам қўшиб битта файлга солдилар. “Буни тезликда устозга олиб боринг” деб файлни қўлимга тутқаздилар. Устозга олиб бордим. Устозим файлни очдилар. Хужжатларни кўрдилар. Кейин мавзу ва режа ёзилган қоғозни кўриб, бирдан кулиб юбордилар. Чунки бешинчи боб аввал ўчирилган, сўнг “тўғри” деб қайд этилган эди.

Шу ўринда устознинг турмуш ўртоқлари, қарийб эллик йил устозга ҳамдард, ҳаммаслак, ҳамхона бўлган Музаффара ая ҳақида ҳам айтиб ўтиш ўринли, деб ҳисоблайман. Устознинг уйларига борсам, ҳамиша очик юз билан кутиб олиб, самарқандча палов билан сийлаб, “устозингиз сизни жуда яхши кўрадилар” деб такрорлаган Музаффара ая устозга шу қадар меҳрибон эдиларки, устознинг нима тановул қилишларидан тортиб, қандай дори истеъмол қилишлари, ҳаммаси аянинг назоратида эди.

Устоз билан “бир пиёла чой” устида ўтган самимий суҳбатларимиз кўплаб мақола, рисола ҳамда монографиялар учун асос бўлди. Илмий муваффақиятларим парвози шу суҳбатлар натижаси эди. Илк бор Машраб ҳақида рисола ёзишга ундаган ҳам, “қўлингиздан келади”, деб, Шайх Нажмиддин Кубро рисоласини ёзишга чорлаган ҳам,

кейинчалик яна кўплаб рисоаларим чоп этилишига руҳлантирган устозимдан ҳамиша миннатдорман.

Бир суҳбатимиз Амир Темурнинг тариқатга муносабати ҳақида бўлди. Амир Темур ҳукмронлиги даврида яссавийлик тариқатига кучли интилиш бўлгани, тариқат шимолда Қозонгача, ғарбда Болқон ярим оролигача етиб боргани, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг маънавий, маданий ва ижтимоий тараққиётига муҳим ўрин эгаллагани, айниқса, туркий тилда сўзлашувчи халқ орасида Аҳмад Яссавий ўз она тилини биринчи бўлиб тариқат тили мақомига кўтаргани, Амир Темур дунёқарашида Хожа Аҳмад Яссавий маънавий мероси катта аҳамиятга эга бўлиб, пири Туркистоннинг руҳий мададига таянгани ҳақида фикрлашдик. Устоз “сиз Буюк сиймо Хожа Аҳмад Яссавий шахсига Соҳибқирон Амир Темурнинг муносабатини ёритишингиз керак” дедилар. Устознинг сўzlари ерда қолмади. 2010-2013 йилларда 24,0 босма табоқдан иборат “Буюклик сири” номли монография ёздим. Устозга монографияни кўриш насиб этмаган бўлса ҳам, қўлёзмаларимга билдирган фикрлари, айрим жумлаларни ўз қўллари билан ўзгартириб берганлари учун устоздан миннатдорман.

Ҳар сафар иш столимга ўтирар эканман, устозимнинг ҳикмат ва маърифатга тўлиқ сўзлари қулоғим остида жаранглагандек бўлади: Тасаввуфни яхши англамасдан туриб, миллий маънавият тарихи, Шарқ фалсафаси, адабиёти ва санъатини пухта эгаллаб бўлмайди. Ислом тарихи тасаввуф тарихи билан бирга олиб қаралгандагина тўғри ёритилиши мумкин”.

Устоз билан боғлиқ яна бир муҳим ҳодисани айтмаслик мумкин эмас. Устоз тасаввуф илмий мактабини яратдилар. Кўплаб тадқиқотчилар устоз атрофида жипслашиб, турли йўналишларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бордилар. Устоз тасаввуф ҳақидаги ўлмас асарлари билан тасаввуфнинг кейинги тараққиёти учун таъмал тоши қўйиб, бир вақтлар четга суриб қўйилган, ман этилган, ўтмиш билан бугун ўртасида бузиб ташланган кўприкни тикладилар. Устознинг асарларида акс этган поклик, тўғрилиқ, камтарлик, саховатпешалиқ, мардлик, қаноат каби ахлоқий фазилатлар аслида устознинг сийратларида жилваланиб, кўнгилларни нурга тўлдирган. Устоз покдомон ҳаёт кечирган эдилар. Устоз ҳақиқий маънода комиллик тимсоли, бошқа устозларга ўрнак, илм-фан фидойиси, буюк қалб эгаси эдилар.

Устоз ҳар соҳада шогирдларига ўрнак бўлдилар. Устознинг ҳаёт йўллари ҳар бир изланувчи учун ибратдир. Устознинг кўнгилчанликларидан айрим тадқиқотчилар фойдаланишга ҳаракат қилган бўлсалар ҳам, барака топмадилар. Ҳаттоки айрим изланувчилар устознинг номларини рўқач қилиб, обрўларидан манфаатдор бўлишга ҳаракат қилган бўлсалар ҳам, ўзлари уялиб қолдилар. Устоздаги кечирувчанлик, гина қилмаслик, сабрлилик, саховатпешалик, камтарлик каби фазилатлари салобатларига салобат қўшган эди.

Ҳадисда айтилган “Олимнинг ўлими – оламнинг ўлими” ҳикматини устознинг фоний дунёдан боқий дунёга йўл олганларидан сўнг англаб етаяпман. Шогирдлар заҳматига камарбаста, бағрикенг, мулойим ва хушфеъл устозимнинг бетакрор ва мазмундор, бебаҳо ҳаётлари ва фаолиятлари илм аҳлига ибрат намунаси дир.

Сўнгсўз

Ахлоқий мезонлар қадрият сифатида бир тарафдан қонунга, иккинчи томондан миллий ахлоқ-одоб (мажбурийликдан кўра ихтиёрийлик) принципларига таянади.

Олим ҳар қандай воқеа-ҳодиса, жараён-ҳолатга юксак онглилик билан ёндашиш билан бирга, юқори масъулият ҳиссига эгаллиги билан бошқа касб эгаларидан ажралиб туради.

Глобал жараёнлар таъсирида вужудга келаётган муаммолар тизимида ахлоқий масалалар ҳам мавжуд. Олим ҳамма вақт янги-янги муаммоларнинг оптимал ечимини топа олган. Олимнинг олимлиги унинг ахлоқий қадриятларга нечоғли муносабатига кўра белгиланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган илм аҳлининг олдида Ўзбекистонда илмий тадқиқотга алоқадор ҳар бир изланишнинг жаҳон стандартлари асосида олиб борилишини таъминлаш, келажакда юзага келиши мумкин бўлган нохушликларнинг олдини олиш, илмий тадқиқотчиларга қулайликлар яратиш, бўлажак олимнинг дахлсизлиги, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдек

юксак масъулият мужассам. Шу маънода, илмий тадқиқотдаги ахлоқийлик мезонлари юзасидан қуйидаги таклифлар базаси тақдим этилди:

биринчидан, халқаро илмий тадқиқот ахлоқи талабларини ўрганиш ва амалиётга қўллаш имкониятларини кўриб чиқиш;

иккинчидан, илмий тадқиқот ахлоқига доир қонун кодекси асосида Ўзбекистон қонунчилигига татбиқ этиш;

учинчидан, соҳалар кесимида ташкилот ва муассасаларда илмий тадқиқот ахлоқи Низомини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш;

тўртинчидан, илмий тадқиқот ахлоқи кенгашини ташкил этиш ва фаолиятини назорат қилиш;

бешинчидан, илмий тадқиқот ахлоқи мавзусида тадқиқотчилар учун ўқув машғулоти, семинар-тренинглари ташкил этиш;

олтинчидан, олимларнинг ҳаёт йўли, илмий тадқиқот ишларини оммалаштириш мақсадида ОАВ воситаларида тарғиб этиш орқали олимлик шаъни, қадр-қимматини ўз ўрнига қўйиш.

Тақдим этилган таклифлар Ўзбекистонда илмий тадқиқот ишларнинг салоҳияти, илмий мақолалар сони ва

сифати ошиши, халқаро майдонда илмий тадқиқот ишлари нуфузини юқорига кўтариш, бўлажак олим шахсида илмий тадқиқотга бўлган қизиқишнинг юксалиши, қонун устуворлигига эришиш, ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳимоя қилинишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Муҳаммад Термизий. Маърифат ул-асрор (Сирлар маърифати) / Тарж. Абдулҳамид Муҳаммад Турсун. Масъул муҳ. Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2018.
2. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Муҳаммад Термизий. Маърифат ул-асрор (Сирлар маърифати) / Тарж. Абдулҳамид Муҳаммад Турсун. Масъул муҳ. Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2018.
3. Абу Али ибн Сино. Фалсафий қиссалар. – Тошкент, 1963.
4. Абу Али ибн Сина. Даниш-намэ / Абу Али ибн Сина. Избранные произведения. Т. I. – Душанбе: Ирфон, 1980.
5. Абу Наср Форобий. Фалсафани ўрганишдан олдин нимани билиш кераклиги тўғрисида. – Тошкент: 1963.
6. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри / Масъул муҳаррир М.Хайруллаев. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
7. Арасту. Ахлоқи кабир. Поэтика. – Тошкент: Маънавият, 2005.
8. Ақл энциклопедияси / Тўпловчи ва таржимонлар Ҳ.Абдуллаев, И.Сулаймонов. – Тошкент: Давр пресс нашриёт матбаа уйи, 2013.
9. Ганжин В. Нравственность и наука. – Москва, 1978.
10. Исҳоқова З. Комиллик калити. Монография. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2016.

11. Исҳоқова З. Тасаввуф таълимотида орифлик ва валийлик талқини. Монография. – Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2011.
12. Комил инсон ҳақида тўрт рисола / Форс-тожик тилидан Н.Комилов тарж. – Тошкент: Маънавият, 1997.
13. Комилов Н. Тасаввуф ёхуд комил инсон ахлоқи. I китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996.
14. Конфуций. Панд-ўғитлар. Рус тилидан А.Аҳмад таржимаси // Соғлом авлод учун. – Тошкент: 1997. № 5.
15. Рўзматзода Қ. Илмий ижод фалсафаси ва методологияси. – Тошкент: Наврўз, 2015.
16. Сахаров А. Ответственность ученых // Собрание сочинений. VIII том. – Москва: Наука, 2014.
17. Тўраев Б. Фан этикаси. Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази. 2020 йил 6 август. <https://www.bukhari.uz/?p=11373>
18. Фролов И., Юдин Б.Г. Этика науки: проблемы и дискуссии. Москва, 1986.
19. Хайруллаев М. Форобий руҳий процесслар ва таълим-тарбия тўғрисида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967.
20. Харламов В., Харламова Т. Этика научного исследования: зарубежный опыт // Фундаментальные исследования. 2014. № 5.
21. Шер А. Ахлоқшунослик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.
22. Этико-правовые аспекты проекта геном человека: Международные документы и аналитические материалы. – Москва: 1998.

23. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Тошкент: Университет, 1998.
24. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг таълим масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси // Халқ сўзи. – Тошкент: 2019 йил 24 август.
25. Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суюнчимиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. – Тошкент. 2020 йил 30 сентябрь.
26. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Юсуф сураси, 76-оят / Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2004.
27. Ҳикматлар шодаси / Тўпловчи ва таржимонлар А.Раимов, Н.Раимова; муҳаррир А.Зиядов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.
28. Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати / Форс тилидан Н.Комилов таржимаси. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994.

Мундарижа

Б.Тўраев. Фан этикаси	3
Муқаддима	7
Илмий тадқиқот ахлоқи	12
Илмий тадқиқот ахлоқининг асосий тамойиллари	15
Олимнинг касбий ахлоқи	20
Илмий фаолиятда виждон ва бурч ва қадр-қиммат муносабатлари	24
Илмий тадқиқотда устоз-шогирдлик анъаналарининг ахлоқийлик мезонлари	29
Олимнинг ахлоқийлик мезони. Устозим Нажмиддин Комиловга айта олмаган дил изҳорларим	37
Сўнгсўз	46
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	49

ЗАМИРАХОН ИСАҚОВА

**ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТДАГИ
АХЛОҚИЙЛИК МЕЗОНЛАРИ**

Ўқув-услубий қўлланма

Техник муҳаррир

Зилодахон Тожибоева

Наманган

2022